



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRINING
BUYRUG‘I**

2021-yil 23-avgust

362-son

Toshkent sh.

**Ish haqi, pensiyalar, stipendiyalar
va nafaqalar miqdorini oshirish
to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-avgustdagi “Ish haqi, pensiyalar, stipendiyalar va nafaqalar miqdorini oshirish to‘g‘risida”gi PF-6279-son Farmoni ijrosini ta‘minlash maqsadida

BUYURAMAN :

1. Oliy ta‘lim muassasalari rektorlari va filiallar direktorlari, Kasbiy ta‘limni rivojlantirish va muvofiqlashtirish hududiy boshqarmalari boshliqlari va vazirlik tizimidagi tashkilotlar rahbarlariga:

a) O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-avgustdagi “Ish haqi, pensiyalar, stipendiyalar va nafaqalar miqdorini oshirish to‘g‘risida”gi PF-6279-son Farmoni (keyingi o‘rinlarda - Farmon) rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin;

b) Mazkur Farmon muassasa va tashkilotlarning jamoalariga yetkazilsin, ish haqi va stipendiyalarning miqdorlarini qayta ko‘rib chiqib, ularni o‘z vaqtida to‘lash ta‘minlansin;

d) 2021-yilning 1-sentabridan muassasa va tashkilotlar xodimlarining ish haqi, pensiya, stipendiyalar hamda nafaqalar miqdori **1,1 barobarga** oshirilsin (1, 2 - ilovalarga muvofiq);

e) O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 16-sentabrdagi 775-son “Mehnatga haq to‘lashning yagona tarif setkasini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi qarori bilan tasdiqlangan tarif koeffitsiyentlari asosida pensiyalar, nafaqalar va xodimlar ish haqlari miqdori o‘z vaqtida qayta hisoblab chiqilsin;

f) Farmonga binoan muassasa va tashkilotlarning lavozim stavkasi (oylik maosh)lari hamda nafaqalarni qayta hisoblashlarida 1-ilova asos qilib olinsin.

2. Iqtisodiyot boshqarmasi (M.Hamrayev):

a) Vazirlik tizimidagi muassasalar hamda tashkilotlarni oshirilgan miqdordagi stipendiyalar, nafaqalar va oylik maoshlari bilan ta'minlanishini nazorat qilsin;

b) Vazirlik tizimidagi muassasalar va tashkilotlarning xarajatlar smetalariga zarur hollarda tegishli o'zgartirishlar kiritilishini ta'minlasin.

3. Ushbu buyruq ijrosini nazorat qilish vazirning iqtisodiy masalalar bo'yicha o'rinbosari S.Buzrukxonov zimmasiga yuklatilsin.

Vazir v.v.b.



K. Karimov
K.Karimov



Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining
2021-yil 23 - avgustdagi
62 - sonli buyrug'iga
1 - ilova

**Byudjet muassasa va tashkilotlari xodimlarining
lavozim stavkalari miqdorlari**

Tarif razryadlari	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 16-sentabrdagi "Mehnatga haq to'lash yagona tarif setkasini yanada takomillashtirish to'g'risida" 775-son qarorining 1-ilovasida belgilangan YATSning tarif koeffitsiyentlari	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-avgustdagi PF-6279-son Farmonining 1-bandi va Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 16-sentabrdagi 775-son qarori bilan tasdiqlangan tarif koeffitsentlari asosidagi, 2021-yil 1-sentyabrdan boshlab kiritiladigan tarif stavkalari miqdorlari (so'm)
<i>A</i>	<i>I</i>	<i>2</i>
1	1,000	822 000
2	1,053	865 566
3	1,106	909 132
4	1,158	951 876
5	1,269	1 043 118
6	1,384	1 137 648
7	1,505	1 237 110
8	1,630	1 339 860
9	1,755	1 442 610
10	1,883	1 547 826
11	2,014	1 655 508
12	2,148	1 765 656
13	2,284	1 877 448
14	2,421	1 990 062
15	2,561	2 105 142
16	2,704	2 222 688
17	2,847	2 340 234
18	2,993	2 460 246
19	3,141	2 581 902
20	3,292	2 706 024
21	3,444	2 830 968
22	3,597	2 956 734



Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining

2021-yil 23 - avgustdagi

102-sonli buyrug'iga

2 - ilova

**Oliy ta'lim muassasalari talabalari stipendiyalarining
MIQDORLARI**

T/r	Stipendiya nomi va qo'shimcha to'lovlar	Stipendiya miqdori (bir oyda, so'm)
1.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat stipendiyasi	2 191 541
2.	Beruniy, Ibn Sino, Navoiy, Ulug'bek, Imom al-Buxoriy, Islom Karimov va Kamoliddin Behzod nomidagi davlat stipendiyalari	1 461 028
3.	Davlat granti asosida, shuningdek, bir yillik o'qitish qiymatining stipendiyali to'lov-kontrakt asosida ta'lim olayotgan, barcha fanlar bo'yicha faqat «a'lo» o'zlashtirish ko'rsatkichiga (reyting ko'rsatkichi 86 ball va undan yuqori) ega bo'lgan talabalar uchun stipendiya	621 456
4.	Davlat granti, shuningdek, stipendiyali to'lov-kontrakt asosida ta'lim olayotgan talabalar uchun bazaviy stipendiya	517 880



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 йилning 17-август

№ ПФ-6279

Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, коронавирус пандемияси даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори **1,1 баробарга** оширилсин.

2. 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – **ойига 822 000 сўм**;

базавий ҳисоблаш миқдори – **ойига 270 000 сўм**;

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – **ойига 289 000 сўм**;

ёшга доир энг кам пенсиялар – **ойига 565 000 сўм**;

боғалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – **ойига 622 000 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатта лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – **ойига 440 000 сўм**;

иш стажини тўлиқ бўлмаган чотдаги пенсияларнинг энг кам миқдори кўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – **ойига 440 000 сўм**;

Белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан **623 000 сўмгача** пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялари миқдори – **ойига 623 000 сўм**;

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг воғга етмаган собиқ маҳбۇслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори ўстамаларни инобатга олган ҳолда – **ойига 2 750 000 сўм** этиб белгилансин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатта қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – **ойига 440 000 сўм** этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатта қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатта қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – **ойига 440 000 сўм** ва кейинги ҳар бир меҳнатта қобилиятсиз оила аъзоси учун **165 000 сўмдан** кўшилиши белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш хақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар **Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан** қоплансин.

Иш бевуқчиларга иш хақи миқдорларини қонунийлик ҳужжатларида белгиланган меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш хақи миқдорларини меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ўшбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўллаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларида 2021 йил 1 сентябрдан иловата мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Молия вазирлиги маълумотлар озирилик до идоралар билан биргаликда икки ой мuddадада конунчилиги хужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маажур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Кучкаров зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрда қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 17 августдаги ПФ-6279-сон фармонига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим хужжатларига киритилган
ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги "Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий химояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6038-сон фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6224-сон фармонининг 1-бандида:

а) "10 майдан" сўзлари "1 сентябрдан" сўзлари билан алмаштирилсин;
б) "2,5 миллион" сўзлари "2,75 миллион" сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июлдаги "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6241-сон фармонининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ва Молия вазириликнинг энг кам пенсия ва нафақа миқдорларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларини инобатга олиб, 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

а) белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорига ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорига кўшимча тўлов (кейинги ўринларда – кўшимча тўлов) жорий этилсин;

б) боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун кўшимча тўлов жорий этилсин".

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4938-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари – 434 000 сўмдан 1 085 000 сўмгача этиб белгилансин”.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 йил «17» август

№УП-6279

О повышении размеров заработной платы, пенсий, стипендий и пособий

В целях расширения масштабов мер, направленных на повышение уровня жизни населения, дальнейшего усиления социальной защиты граждан и материальной поддержки нуждающихся семей в период коронавирусной пандемии, последовательного повышения их доходов:

1. Повысить с 1 сентября 2021 года размеры заработной платы работникам бюджетных организаций, пенсий, стипендий и пособий в 1,1 раза.

2. Установить с 1 сентября 2021 года на территории Республики Узбекистан:

минимальный размер оплаты труда – 822 000 сумов в месяц;

базовую расчетную величину – 270 000 сумов в месяц;

базовую величину исчисления пенсии – 289 000 сумов в месяц;

размер пенсии по возрасту – 565 000 сумов в месяц;

размер пособия детям с инвалидностью – 622 000 сумов в месяц;

размер пособия престарелым и нетрудоспособным гражданам, не имеющим необходимого стажа работы, – 440 000 сумов в месяц;

минимальный размер пенсии при неполном стаже работы с учетом доплаты – 440 000 сумов в месяц;

размер пенсий по возрасту и инвалидности лиц, получающих пенсии в размере от установленного минимального размера пенсии по возрасту до 623 000 сумов, – 623 000 сумов в месяц;

размер пенсий, включая надбавки, инвалидам и участникам войны 1941–1945 годов, а также бывшим несовершеннолетним узникам фашистских концлагерей и лицам, работавшим в период блокады города Ленинграда, – 2 750 000 сумов в месяц;

минимальный размер пенсии на одного нетрудоспособного члена семьи получателя пенсии по потере кормильца – 440 000 сумов в месяц с выплатой пенсии каждому следующему нетрудоспособному члену семьи согласно действующему порядку;

размер пособия на одного нетрудоспособного члена семьи получателя пособия по потере кормильца – 440 000 сумов в месяц и прибавление по 165 000 сумов на каждого следующего нетрудоспособного члена такой семьи.

3. Расходы, связанные с повышением заработной платы работников бюджетных организаций, пенсий, стипендий и пособий, покрывать за счет средств Государственного бюджета и внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов.

Рекомендовать работодателям производить повышение размеров заработной платы в соответствии с минимальным размером оплаты труда, обеспечивая выплату заработной платы не ниже минимального размера оплаты труда, установленного актами законодательства.

4. Министерству финансов, Национальному информационному агентству Узбекистана, Национальной телерадиокомпании Узбекистана, Агентству информации и массовых коммуникаций организовать работу по широкому освещению целей, задач настоящего Указа и ожидаемых от этого результатов в средствах массовой информации, Интернете и социальных сетях.

5. Внести с 1 сентября 2021 года изменения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан согласно приложению.

6. Министерству финансов совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.

7. Возложить на министра финансов Ишметова Т.А. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего Указа.

Обсуждение хода исполнения настоящего Указа, осуществление координации и контроля за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Кучкарова Д.А.

О результативности осуществляемых мер информировать Президента Республики Узбекистан до 1 ноября 2021 года.

Президент
Республики Узбекистан



Ш.Мирзиёев

город Ташкент

**Изменения,
вносимые в некоторые акты
Президента Республики Узбекистан**

1. Пункт 2 Указа Президента Республики Узбекистан от 30 июля 2020 года № УП-6038 «О Дополнительных мерах по материальной поддержке слоев населения, нуждающихся в помощи и социальной защите в период коронавирусной пандемии» признать утратившим силу.

2. В пункте 1 Указа Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2021 года № УП-6224 «О мерах по дальнейшему усилению материального обеспечения участников Второй мировой войны»:

- а) слова «10 мая» заменить словами «1 сентября»;
- б) слова «2,5 миллиона» заменить словами «2,75 миллиона».

3. Пункт 1 Указа Президента Республики Узбекистан от 4 июня 2021 года № УП-6241 «О Дополнительных мерах, направленных на дальнейшее совершенствование системы социальной поддержки населения» изложить в следующей редакции:

«1. Принимая во внимание предложения Министерства экономического развития и сокращения бедности и Министерства финансов о пересмотре минимальных размеров пенсий и пособий, начиная с 1 июля 2021 года:

а) ввести доплату в размере 20 процентов базовой величины исчисления пенсии (далее – доплата) для лиц, получающих пенсию в установленном минимальном размере пенсии по возрасту и ниже;

б) ввести доплату на каждого нетрудоспособного члена семьи получателя пенсии по потере кормильца».

4. Пункт 1 постановления Президента Республики Узбекистан от 30 декабря 2020 года № ПП-4938 «О мерах по обеспечению исполнения Закона Республики Узбекистан «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2021 год» изложить в следующей редакции:

«1. Установить с 1 февраля 2021 года размеры единовременной материальной помощи нуждающимся семьям в Республике Каракалпакстан и Хорезмской области – от 434 000 сумов до 1 085 000 сумов»

